

БАХТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ЎЛЧОВЧИ ИНДЕКСЛАР

Кўп асрлар давомида "бахт" тушунчаси фалсафий категория бўлиб келган. Ҳозирги кунда "бахт" тушунчасига оид кўплаб ёндашувлар мавжуд. Масалан, гедонист олимлар бахтни ҳис қилиш, лаззатланиш, завқланиш ва қувонч деб қарашган. Эвдемонизмда бахт барқарор, ажралмас яхшилик, барча интилишларнинг мотиви ва мақсади тугал орзу деб тушунилган. XXI-асрга келиб бахт миқдорий категорияга айланиб улгурди ҳамда унинг даражасини формулалар ва ҳисоблашлардан фойдаланган ҳолда ўлчаш мумкин бўлиб қолди. Бугунги кунда аҳолининг бахтлилик кўрсаткичларига таянган ҳолда, нафақат муайян мамлакатда ўзини бахтли ёки бахтсиз ҳис қилаётганлигини ижтимоий жиҳатдан ўрганиш, балки жамиятнинг барқарор ривожланишини белгилашда ва давлат сиёсати йўналишларини аниқлашда аҳамиятли бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, Бахтни ўлчаб бўладими? Бахтни ўлчаш нима учун керак? деган саволлар пайдо бўлмоқдаки, бу борада чуқур илмий таҳлил ва тадқиқотлар ўтказиш долзарбдир.

Бахт тушунчасига кўплаб илмий таърифлар ишлаб чиқилган ва мазкур таърифларни ишлаб чиқишда олимлар субъектив бахт (ҳиссий) ва объектив бахт (физиологик) нуқтаи назаридан ёндашганлар. Файласуфлар бахт тушунчасига таъриф беришда унинг мазмунини очишга ҳаракат қилган бўлсалар, иқтисодчи олимлар эса бахтни юзага келтирувчи омилларга кўпроқ эътибор қаратишган.

Бахт тушунчаси иккита омилдан ташкил топган: *таъсир қилиш ва билиш*. *Таъсир қилиш* ҳиссиётлар ва кайфият билан боғлиқ бўлиб, инсонларнинг ҳаётларида юз берадиган ҳодисаларнинг баҳоланиши бўлса, билиш эса рационал ёки интеллектуал омиллар билан боғлиқдир. *Билиш омили* эса икки

ҳолатни камраб олади: 1. Хукм қилиш. 2. Солиштириш¹². Билиш ҳукм ва таққослашнинг таркибий қисмини ўз ичига олади. Бахт ўзгармас хусусиятга эга бўлиб, шахснинг руҳида кечади ва ҳар бир инсоннинг ижтимоийлашганлиги ҳамда у яшаётган ижтимоий муҳит билан боғлиқ. К. Нитнитипрут бахтнинг учта асосий психологик жараёни мавжудлигини кўрсатиб берган: 1.Интилиш. 2. Мослашувчанлик. 3. Ижтимоий солиштириш³.

Бахт тушунчасига бағишланган таърифларнинг кўпчилиги эмоционал ҳолатларга боғлиқ тарзда ифодаланган. Р.Лаярд бахтни инсонни ўзини яхши ҳис қилиши, ҳаётдан баҳра олиши ва унинг ажойиб эканлигини ҳис қилиш билан боғлиқлигини, бахтсизлик эса инсонни ўзини ёмон ҳис қилиши ва кўп нарсани орзу қилишидир, деган хулосага келган⁴.

Ғарб психолог олимлари файласуфлар билан баҳсга киришган ҳолда бахтни идрок этиш ва у солиштиришдан иборат эканлигини таъкидлайдилар. Улар ижобий таъсир, ҳаётдан қониқиш ва негатив таъсирнинг йўқлиги каби омилларга эътибор қаратадилар⁵. Фрей ва Штутцер объектив бахт субъектив бахтни инсон миясидаги тўлқинларни ўлчаш орқали эгаллайдиган физиологик ёндашувлар билан боғлайдилар⁶.

Бахт тушунчасига оид Роберт Уолдинбергнинг тадқиқотлари эътиборга сазовор. Унинг тадқиқотлари 75 йил давом этган. Бу давр ичида тадқиқотга оид шахсларнинг бутун ҳаётини кўздан кечиришга эришилган. 2 та гуруҳ ташкил этилган улардан бирига Гарвард университетининг талабалари ва иккинчи гуруҳга эса Бостоннинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланмаган туманида яшовчилар киритилган. Иккала гуруҳ ҳам интервью

1

² K. Nitnitiphrut The Concept of Happiness: The Bridge between Western and Eastern Thought, and Empirical Evidence of Bangkokian's Happiness Determinants. P. 328-329// <https://www.semanticscholar.org>

³ K. Nitnitiphrut The Concept of Happiness: The Bridge between Western and Eastern Thought, and Empirical Evidence of Bangkokian's Happiness Determinants. P. 332 // <https://www.semanticscholar.org>

⁴R. Layard "Human Satisfaction and Public Policy. In Easterlin, Richard A. (Ed.), Happiness in Economics. Great Britain: MPG Books.2002.

⁵ K. Nitnitiphrut The Concept of Happiness: The Bridge between Western and Eastern Thought, and Empirical Evidence of Bangkokian's Happiness Determinants. P. 329// <https://www.semanticscholar.org>

⁶ Frey B. S., Stutzer A. Happiness and Economics: How the Economy and Institutions Affect Well-Being. Princeton University Press. P.4-6

ва тиббий кўриқдан ўтган. Йиллар давомида тадқиқотчилар ўз респондентлари ва уларнинг оилалари билан мулоқот олиб борганлар, уларнинг ҳаётларига тааллуқли саволлар бўйича анкеталарни юритганлар ва уларнинг шифокорларидан маълумот олиб турганлар. Қаҳрамонларнинг ҳаётлари турли тарзда ривож топган, кимдир касби бўйича юқори даражаларга эришган, кимдир ҳаёт қийинчиликларини енга олмаган. 75 йиллик тадқиқот сўнгида тадқиқот гуруҳи жуда ҳам оддий хулосага келган, у ҳам бўлса инсонни яхши муносабатлар бахтлироқ қилар экан. Ҳеч қандай бошқа факторлар моддий бойлик ёки эришилган ютуқлар бундай самарага эга эмаслиги аниқланган. Тушуниш ва атрофдагиларнинг қўллаб қувватлаши ҳамкасблар, фарзандлар, яқин инсонларники каби бўла олмайди¹.

Шунингдек, муаллифлар муносабатларга оид учта тақлифни илгари сурадилар.

1. Инсонлар билан мулоқот қилиш жуда фойдали. Ёлғизлик инсонларни бахтли қилмайди.
2. Муносабатларнинг мустаҳкамлиги ва даражаси ҳам аҳамиятли.
3. Яхши илиқ муносабатлар нафақат танани, балки миёни ҳам ҳимоя қилади.

Бахт индивидуал ва шахснинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятларига эга бўлган ва ўз салоҳиятини намоён қила оладиган социал жиҳатларини уйғунлашувини талаб этади. Шунингдек, индивидларга ўз олдларига мақсад қўйишларига имкон туғдирувчи амалдаги маданиятнинг ҳам таъсири муҳим ҳисобланади. Кўплаб олимларнинг фикрларига кўра, давлатларнинг турли ўлчамларга кўра солиштирилишида миллий даромадга қараб эмас, бахтлилик кўрсаткичи асосида амалга оширилиши керак. Шунинг учун, бахтлилик даражасини ўлчашда инсонларнинг тадқиқ этилаётган давр

¹<https://zen.yandex.ru/media/id/samoe-dolgoe-issledovanie-schastia>

мобайнида ўзларини қандай ҳис қилишларини тизимлаштирилган ўлчови зарур¹.

Бугунги кунда дунёда икки турдаги бахтлиликни аниқловчи индекслар мавжуд: 1. Халқаро индекслар; 2. Миллий индекслар. Шунингдек, турли нодавлат ташкилотларнинг сўровнома кўринишидаги рейтинглари ишлаб чиқилган.

1. Халқаро индексларга: Халқаро бахт индекси (*Happy Planet Index*), Халқаро Бахтлилик индекси (*Happiness Index*), Инсон тараққиёти индекси (*Human Development Index*), Яхши ҳаёт индекси (*Better Life Index*), Ҳаёт сифати индекси (*Quality-of-life index*) кабиларни киритиш мумкин.
2. Миллий индексларга ҳар бир давлат ҳукумати томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилган ички фойдаланиладиган индекслар киради.

Happy Planet Index – Халқаро Бахт индекси. Британия янги иқтисодиёт Фонди (*New Economic Foundation*) биринчи мартаба 2006 йилда халқаро бахт индексини (*Happy Planet Index*) жорий этиш орқали “бахт” тушунчасини рақамларда ўлчаш таклифини киритган. Шунингдек, у турли давлатлардаги аҳолининг узок ва фаровон ҳаёт кечирishi учун табиий ресурслардан қанчалик даражада самарали фойдаланаётганлигини кўрсатиб беради. Мазкур индекснинг кўрсаткичлари:

1. **Фаровонлик (Wellbeing)** Gallup социологик сўрови асосида ҳисоблаб чиқилади. Респондентларга “Ҳаёт зинаси” сўровномаси берилади ва фуқаро 0-10 рақамлари оралиғида қайси даражада эканлигини белгилаб беради.

2. **Кутилаётган умр давомийлиги (Life expectancy).** БМТнинг Тараққиёт Дастури томонидан тўпланган ҳар бир давлатда яшовчи фуқароларнинг ўртача умр давомийлиги маълумотлари асосида аниқланади.

¹ Нишнианидзе О. О., Сергеева А. О., Черкашин М. Д. Счастье как социальный феномен // Известия Юго-Западного государственного университета. Серия: Экономика. Социология. Менеджмент. 2018. Т. 8, № 4 (29). С. 287 бет287 бет.

3. “Экологик из” (Ecological Footprint) ҳар бир давлатда яшовчи фуқаронинг атроф муҳитга таъсирини аниқловчи кўрсаткич. Ҳар бир шахсга ажратиладиган гектар ер (ГНА) ҳисобида ўлчанади.

4. **Натижаларнинг тенгсизлиги** (Inequality of outcomes) Бу кўрсаткич 2016 йил киритилган. Фаровонлик ва кутилаётган умр давомийлиги ҳақидаги маълумотларнинг бир давлат ичкарисида инсонлар ўртасидаги нотенгликни аниқлайди ва фоизларда ифодаланади.

Мазкур индекс махсус формула асосида юқоридаги кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва 100 балл билан баҳоланади.

$$B = \frac{F * KUD * HT}{EI}$$

ЭИ

Бахт индекси = (субъектив фаровонлик кўрсаткичи)* (кутилаётган умр давомийлиги)*(натижаларнинг тенгсизлиги) \ (экологик из)

ЭИистеъмол= **ЭИ** ишлаб чиқариш+(**ЭИ** импорт - **ЭИ**экспорт)

Happiness Index - Халқаро Бахтлилик индекси. Бахтлилик индекси бахтни, фаровонликни, мустаҳкам барқарорликни баҳолайдиган кўрсаткичдир. У сўров натижаларига асосланади, биринчи марта 2012 йилдан бошлаб World Happiness Report ҳисоботларида эълон қилиниб келинмоқда. Бахтлилик индекси ҳаётни қондириш, бахтиёрлик ҳисси ва бошқа психологик фаровонлик, соғлиқни сақлаш, вақт баланси, жамоа, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, санъат ва маданият, атроф-муҳит, бошқарув, моддий фаровонлик ва иш кабиларни қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ушбу индекс билан Happiness Alliance, Global Happiness Council ва Gallup каби ташкилотлар иш олиб борадилар. **Индекснинг кўрсаткичлари:** 1. ЯИМ (яши ички маҳсулот); 2. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш; 3. Кутилаётган умр давомийлиги; 4. Ҳаётини муҳим қарорларни қабул қилиш эркинлиги; 5. Сахийлик; 6. Коррупция таъсири. Респондентларга

0 дан 10 гача бўлган шкала доирасида аҳолидан сўровнома асосида аниқланади.

2020 йил World Happiness Report рейтинги бўйича **Ўзбекистон 153 та мамлакат орасида 38-ўринни эгаллади.** Бу **2019 йилги кўрсаткичлардан уч поғона юқори деганидир.** Ўзбекистон 2013 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда 2013 йилда энг кам 5.62, кейинги йилларда 6.02 баллни ва 2020 йилда энг кўп 6.26 балл кўрсаткичини қўлга киритган. Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида юқори кўрсаткичларни сақлаб қолмоқда. Жумладан, Қозоғистон 50-ўрин, Тожикистон 71-ўрин, Россия 73-ўрин, Қирғизистон 74-ўрин ҳамда Туркменистон 95-ўринни эгаллаганлар.

Мазкур индекс бўйича Финляндия учинчи йилдан бери кетма-кет 7.80 кўрсаткичи билан етакчилик қилмоқда. У дунёдаги бахтли давлат деб топилган. Кейинги ўринларни Дания (7.64), Швейцария (7.56), Исландия (7.5), Норвегия (7.48) Нидерландия (7.44), Швеция, Янги Зеландия, Австрия ва Люксембург каби давлатлар эгаллаган. Шунингдек, етакчи давлатлардан Буюк Британия 13-ўринни, Германия 17-ўринни, АҚШ 18-ўринни, Франция 23-ўринни, Хитой 94-ўринни эгаллаган. Ҳиндистон, Малави, Яман, Ботсвана, Танзания, Марказий Африка Республикаси, Руанда, Зимбабве, Жанубий Судан, Афғонистон (2.56) рейтингнинг қуйи поғоналаридан жой олган.

Миллий бахтлилик индекслари. Бутан Қироллиги биринчилардан бўлиб, 1972 йилда Джигме Вангчук Бутан қироли томонидан Миллий Бахтлилик индексини жорий қилган. Уларда ЯИМ ялпи ички маҳсулот тушунчаси Ялпи Миллий Бахтлилик тушунчаси билан алмаштирилган. 1998 йилда Бутан ҳукумати “Бахтнинг 4 кўрсаткичи” номи билан янги режа қабул қилган. Уларга 1) иқтисодий ривожланиш; 2) атроф муҳит муҳофазаси; 3) миллий маданият тарғиботи ва самарали бошқарув; кўрсаткичлари киритилган. Улар ҳар икки йилда алмаштириб турилади. Шунингдек 72 та кўрсаткич бўйича Бахтлилик ўлчанади. Мисол учун, медитация ва ибодат қилиш, худбинлик даражаси, рашк, совуққонлик, ҳамдардлик, саҳийлик, ўз-ўзини ўлдириш фикрининг мавжудлиги кабилар. Давлатда буддизм қоидалари

амал қилади, коррупция умуман йўқ қилинган, яхши экологик таббий муҳит яратилган, химик ўғитлар давлатга умуман киритилмайди, аҳолининг кўпчилиги вегетарианлардан иборат. Бутан Конституциясида ҳам аҳолининг бахтли турмуш тарзини кечириш учун шароит яратилган. Бутан ҳукумати томонидан ҳар бир фуқаронинг бахтини таъминлаш имкониятини яратиб берувчи дастур ишлаб чиқилган.

Буюк Британия 2010 йилда Миллий Бахтиёрлик индексини аниқлаш учун 2 миллион фунт стерлинг ажратди. Индекс социологик сўровномалар асосида аниқланган. Сўровномалар натижасида британияликлар учун мустақкам соғлиқ, оила ва яқин инсонлар билан илиқ муносабатлар ҳамда иш бахтиёрлик хиссини бериши аниқланган. Буюк Британия ҳам ўз миллий индекси орқали жамият ва давлатда мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларга ечимлар топишда фойдаланади.

Хитой 2011 йилда 16 та кўрсаткич асосида ўз Миллий Бахтлилик индексини жорий қилди. Индекс илмий тадқиқотлар, таълим, маданият ва спортга бўлган ҳаражатларни инобатга олади. Бундан ташқари, ҳар бир инсоннинг яшаш майдон метражи, ҳар 1000 та фуқарога шифокорларнинг тўғри келиши, яшил экинлар майдони ва ҳатто ЯИМ ҳажмига нисбатан карбонат ангедриднинг эмиссия ҳажми ҳам киритилган. Хитойда Хэнань провинциясида мансабдор шахсларни иш фаолиятини баҳолаш учун Бахтлилик индекси жорий қилинган. Хитойда ҳам ҳукумат томонидан аҳоли турмуш даражасини кўрсатиб берувчи 16 та кўрсаткич жорий қилинган. Бахтлилик индекси Хитойда давлат мансабдор шасхларининг иш самарадорлигининг кўрсаткичи ҳисобланади. Салбий натижалар олинганда кадрлар тизимида ўзгаришлар ўтказилган.

Франция 2008 йилда Николя Саркози иқтисодий ютуқлар ва ижтимоий ўсишни аниқлаш бўйича махсус комиссия ташкил қилган. Комиссия ҳаёт сифатини аниқлашнинг кўрсаткичларига ривожланиш барқарорлиги, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари, экология даражасини

киритган. Комиссия иши якунлангач Саркози давлатда Бахтиёрлик ва тиббий хизматга бўлган имконни ўлчаш мезонларини киритишни таклиф қилган.

Хўш, Ўзбекистон бу борада қандай сайи ҳаракатларни амалга ошириши керак ва унинг самарадорлиги нимадан иборат бўлади?

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида Миллий Бахтлилик индексини жорий қилиш, давлат миқёсида коррупцияни йўқотишда, фуқароларнинг фаровон турмуш тарзига эришишида, камбағалчилликни олдини олишда ва катор давлат ҳамда жамият равнақи учун тўсқинлик қилаётган омилларнинг бартараф этишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Иккинчидан, Миллий Бахтлилик индексини жорий қилишда илғор хорижий мамлакатлар тажрибаларининг ижобий ва салбий ҳолатларини инобатга олган ҳолда халқаро индексларнинг кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш лозим бўлади.

Учинчидан, Миллий Бахтлилик индексини жорий қилиш йўналишларини тўғри белгилаш бу борада унинг методология ва усулларини белгилаш билан бирга оила ва аёлларнинг бахтлилик индексларини яратиш ҳам таклиф этилади.

Н.М. ЭГАМБЕРДИЕВА

Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги
“Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти директори

Х.Х. САЙДИВАЛИЕВА

Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги
“Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти катта илмий ходими